

АНИҚ ВАЗИФАЛАР ВА УЛАРНИНГ ИЖРО МУДДАТЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

➡1 Мажлисда таъкидландики, сўнгги икки йилда вилоятда 300 дан ортиқ шахслар коррупциявий жиноятларга қўл ургани аниқланган. Айниқса, энергетика, қурилиш, таълим, соғлиқни сақлаш ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш соҳаларида коррупция хавфи юқорилиги танқид остига олинди.

Энергетика соҳасида суюлтирилган газ ва электр таъминоти билан боғлиқ талон-тороҳ ҳолатлари, инсон омилининг юқорилиги, назорат механизмларининг етарли даражада рақамлаштирилмагани кўрсатиб ўтилди. Қурилиш соҳасида эса рухсатнома бериш жараёнларида шаффофлик етишмаслиги, асоссиз рад жавоб берилиши ва манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари аниқланган.

Шунингдек, имтиёзли кредитлар ажратиш тизимида ҳоким ёрдамчилари ва таъминотчи корхоналар

ўртасидаги суиистеъмоликлар, маркетплейс платформасида ноқонуний нақдлаштириш, солиқдан қочиш билан боғлиқ жиддий камчиликларга йўл қўйилгани айтилди.

Мажлис якунида соҳалар кесимида аниқ вазифалар ҳамда уларни ижро этувчи мутасаддилар ва муддатлар белгилаб олинди. Энергетика ва қурилиш соҳаларидаги жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш, инсон омилини қисқартириш, комплаенс назоратини кучайтириш, имтиёзли кредитлар ажратишда шаффоф ва автоматлаштирилган механизмларни жорий этиш ишларини кечиктирмай амалга оширишга келишиб олинди.

Қабул қилинган қарор ижроси Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгаш ва ҳудудий кенгашлар томонидан доимий назоратга олиниши белгиланди.

ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Хоразм вилоятига ташрифи доирасида ижтимоий-иқтисодий ҳолат, хавфсизлик ва аҳолига яратилган шароитлар билан танишди.

Ўрганиш

Дастлаб Урганч туманида яқинда ишга туширилган ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослаштирилган “Тилла Дамар” хусусий корхонаси фаолияти ўрганилди. Ушбу корхонада 100 та иш ўрни яратилган бўлиб, 50 хилдан зиёд сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 6 млн. АҚШ долларини, экспорт ҳажми эса 2,5 млн. доллари ташкил этади.

Ишчи гуруҳ Урганч шаҳар ҳокимлиги биносига жойлашган Ягона ахборот-таҳлилий ва мониторинг (ситуацион) марказида ҳам бўлди. Бу ерда шаҳар ҳаёти билан боғлиқ жараёнлар реал вақт режимида кузатилиб, фавқулодда

вазиятлар, жамоат хавфсизлиги ва коммунал тизимлар ҳолати таҳлил қилинади. Шунингдек, “Урганч — ақлли шаҳар” лойиҳасининг жорий этилиши, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланган ҳолда профилактик тадбирларни ташкил қилиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган амалий лойиҳалар ҳам тақдим этилди.

Сенат Раиси бошчилигидаги ишчи гуруҳ халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгаши фаолияти билан ҳам танишди. Бу ерда депутатлар фаолияти учун зарур шароитлар яратилгани, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизими такомиллаштирилгани ҳамда очиклик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган самарали механизмлар жорий қилингани эътироф этилди.

Шунингдек, халқ вакиллари ўз фаолиятида депутатлик сўровлари, фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш ҳамда овоз бериш жараёнларида рақамли технологиялар имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишлари зарурлигига урғу берилди.

Шу билан бирга, ишчи гуруҳ аъзоларига вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тақдими ҳам ўтказилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Хоразм вилояти бошқармасига топширилган янги замонавий бинода яратилган шароитлар кўздан кечирилиб, аҳолига қўлай хизматлар кўрсатиш, эътибхманд қатлам билан самарали ишлаш ва ижтимоий хизматлар сифатини ошириш учун барча зарур имкониятлар яратилгани кайд этилди.

Олий Мажлис Сенати
Ахборот хизмати.

Сенатор ва ҳаёт

Мурожаатда тилга олинган муаммо ўз ечимини топди

Инсон қадри ва ҳуқуқлари устувор бўлган ривожланган демократик жамиятни барпо этиш учун, аввало, давлат ва ҳукумат органлари халққа хизмат қилиши зарур деган дастуриламал шиор бутун мамлакатимиз бўйлаб — шаҳарлардан тортиб чекка қишлоқларгача амалда.

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири Сиро-жиддин Саййидига Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманидаги “Турмушобод” ва “Галабута” маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси томонидан мазкур ҳудудларда болалар учун пйёда-лар юриш йўлагини қуриш борасида амалий кўмак сўраб ёзма мурожаат келиб тушган эди.

Кунни кеча ушбу мурожаат доирасида мавжуд масалани ўрганиш учун халқ депутатлари Денов тумани Кенгаши депутати Исрол Худойбердиев ва Сарийосиё тумани ҳокими ўринбосари Мамасодиқ Очилдиев мазкур ҳудудда яшайдиган аҳоли билан учрашув ўтказди.

Сарийосиё туманидаги 45-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган йиғилишда мурожаатда кўтарилган масаланинг долзарблигини ҳусусида ўз борди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси туман бўлими ҳамда “Турмушобод” ва “Галабута” МФЙ вакиллари бугун юртимизда рўй бераётган янгиликларга, муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳамда маънавий йўналишда олиб борилаётган ислохотларга ўз муносабатларини билдириб, мамлакат миқёсида рўй бераётган ушбу бунёдкорлик жараёнларида туман ва маҳаллалар аҳолиси ҳам ўз ҳиссасини қўшиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбир якунида мутасадди идоралар вакиллари аҳоли мурожаатида кўзда тутилган масаланинг ижроси яқин кунларда тўлиқ таъминланишини маълум қилди.

«Халқ сўзи».

Акс садо

ИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ – ТИНЧЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

Президентимиз раислигида 27 январь куні бўлиб ўтган видеоселектор ййғилишида ҳуқуқ-тартибот тизимида ййғилиб қолган муаммолар очик, қатъий ва принципал тарзда кўрсатиб берилди. Айниқса, Тошкент шаҳри мисолида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, уюшган жиноятчилик, наркотрафик, кибержиноятлар ва “яширин иқтисодиёт”га қарши курашда тизимли ёндашув етишмаётгани танқид қилинди.

Ички ишлар тизимида кўп йиллар хизмат ўтаган мутахассис сифатида айтишми мумкинки, давлат раҳбари кўтарган масалалар соҳани ичидан билган, ҳақиқий ҳолатни кўриб турган инсоннинг гапидир. Чунки пойтахтда ресурс, куч ва салоҳият етарли бўла туриб халигача эски иш услуби ва қолип-лардан чиқилмаётгани — раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги ва талабчанлиги масаласига кўп нарса боғлиқ эканини очик кўрсатиб турибди.

Аниқ рақамлар билан келтирилган мисоллар: тергов ва суришти-рув сифати пастлиги, ҳисобот ор-тидан қувиш, профилактика ин-спекторларнинг асл вазифасидан чалғитилиши, маҳаллада уларнинг “кўринмас” бўлиб қолиши — бу ти-зимни тубдан янгилаш вақти кел-ганини англатади. “Жиноятчилик-



ни камайтирдик” деган ҳисобот-лар ортида “қизил” ва “сарик” ма-ҳаллаларнинг саклини қолётган-ни эса реал натижа билан қогоз-даги рақамлар ўртасидаги тафо-вутни аққол кўрсатади.

Наркожиноятчилик, уюшган гу-руҳлар ва кибержиноятлар бўйича билдирилган танқидлар, айниқса, ўринли. Наркоканалларнинг охи-рг қи манбаси ва молиявий ҳомила-ригача етиб боришда қатъият йўқлиги қонун устувор ва жазо му-

ХАВФСИЗ МУҲИТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСЪУЛИЯТИ

➡1 Албатта, ушбу масала-га бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки сўнгги йилларда ай-рим фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатлари-нинг тез-тез учраётгани кенг жа-моатчилик хавотирига сабаб бўлмоқда. Масалан, ўтган йили пойтахтда кибержиноятлар сони 16 мингдан ортиб, фуқаролар қарийб 2 трлн. сўм моддий зарар кўрган бўлса, уларни фош этиш 8 фоизга ҳам бормеган.

Бундан ташқари, пойтахтимиз-да наркожиноятларнинг сони 4 мингдан ошган. Ҳибсга олинган 112 та уюшган жиноий гуруҳ 1 300 дан ортиқ жиноятларга қўл урган. Айбли деб топилиб қамалган-лар жазонинг ярмини ҳам ўтамас-дан озодликка чиқмоқда. Оқибатда бу жиноятни тақдоран қилганлар уч йилда 125 фоизга кўпайган.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар-нинг олдини олишда йўл қўйилган камчиликлар кўрсатилиб, уларни бартараф этиш бўйича мутлақо

янги тизим яратиш, хавфсиз муҳитга асос солиш юзасидан “пойтахт намунаси”ни жорий этиш борасида мутасадди раҳбарларга аниқ йўналиш ва вазифалар бел-гилаб берилди.

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда маҳалла профи-лактикаси имкониятларидан самар-али фойдаланиш гоятда муҳим. Боиси ҳар бир инсон маҳаллада истиқомат қилади, ўзини ўша ки-чик жамият вакили сифатида ҳис этади. Бироқ маҳаллада ҳуқуқбу-зарликка мойил бўлганларни аниқ-лаб, уларни тўғри йўлга солмас-лик, ишларни самарали ташкил-лаштирмаслик ҳуқуқбузарликлар-нинг кўпайишига сабаб бўлади.

Афсуски, маҳаллада содир бўлаётган ҳар бир ҳуқуқбузарлик инсонлар тақдирига моддий ва маънавий жиҳатдан салбий таъсир кўрсатиб, фуқароларни янада кўпроқ ўз домига тортиши мум-кин. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофа-за қилиш тузилмалари фаолияти-ни самарали ташкил этиш билан



бирга ҳар бир фуқаронинг масъ-улигини ҳам кучайтириш лозим бўлади. Бу жараёнда депутатлар, маҳалла фаоллари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари фаол қатнашиши керак. Маҳалла ёки жамиятнинг қайси нуқтасида бўлмасин ҳуқуқбузарлик ҳолатига дуч келсак, уни тўхтатиш, унинг ол-дини олишда фаоллик кўрсатишми-з зарур. Бинобарин, ҳуқуқбузар-ликларга қарши курашиш тор до-ирадаги давлат органларинингги-на иши эмас, балки бутун жамият зиммасидаги жиддий масъулият ҳамдир.

Видеоселекторда ҳуқуқбузар-

ликлар профилактикаси ҳақидаги қонунчилик асосларини ҳам кучайтириш бўйича вазифалар бел-гилангани айтиш мудоао бўлди. Чун-ки бугун жамиятимиз ривожи, тур-ли ижтимоий муносабатлар тез ўзгариб бормоқда. Бу эса замон талабларига жавоб бера оладиган қонунчилигини ишлаб чиқишни та-қозо этади.

Фақат жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш орқали жа-миятимиз тинчлиги ва барча эзгу мақсадлари рўёбини қўриш имко-ниятига эга бўламиз. Шу нуқтаи назардан, ҳар биримиз фаол фуқаролик позициясини эгаллаши-миз, ёшлар тарбиясига эътибори-мизни оширишимиз, масъул органлар билан ҳамкорликда хавфсиз ҳаёт тарзи ва тартиботни мустаҳкамлашга кўмаклашишимиз мақсадга мувофиқдир.

Хушвақт ХАЙИТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Халқаро ишлар,
мудофаа ва хавфсизлик
масалалари кўмитаси аъзоси.

МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЁШЛАРГА ҚАНДАЙ ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛАДИ?

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида касбларни ривожлантириш ва меҳнат бозорини янгила асосда ташкил этиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланди. Бу масала, аввало, ёшларнинг таълим олиши, иш топиши ва меҳнат бозорига мослашуви билан чамбарчас боғлиқ.

Фикр

Бугунги глобал жараёнлар шуни кўрсатмоқдаки, технологик тарақ-қийёт иш ўринларининг нафақат со-нига, балки мазмунига ҳам жи-ддий таъсир кўрсатмоқда. Автомат-лаштириш ва сунъий интеллект ай-рим касбларни қисқартирмоқда, айни пайтда янги малака ва касб-ларга эҳтиёжни ҳам кучайтирмоқ-да. Бу ҳолат ёшлар олдига аниқ талаб қўймоқда: энди фақат дипло-м эмас, айни пайтда бозор талаб қилаётган реал қўникмалар муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Мурожаат-

номада меҳнат бозорини касб, ма-лака, технология ва таълимни бо-ловчи ягона тизим сифатида қайта ташкил қилиш зарурлиги таъкид-ланди. Бу ёндашувнинг асосий мақ-сади ёшлар таълим оланганд сўнг меҳнат бозорига мослашувсиз қолиб кетмаслигини таъминлаш-дир. Амалиётда эса бу таълим му-ассасалари билан иш берувчилар ўртасидаги узвий алоқани куч-айтиришни тақозо этади.

Касб танлаш масаласига эрта босқичда эътибор қаратилиши бе-жиз эмас. Тадқиқотлар шуни кўрса-тадики, ўқувчиларда касбий қизи-қиш ўрта синфларда шакллана



бошлайди. Шу сабабли 9-синф битирувчиларини фанларни ўз-лаштириши ва касбий қизиқишига қараб саралаб олиш тизими жо-рий этилмоқда. Бу қарор олий таъ-лим ва касбий таълим ўртасида мувозанатни сақлаш, шунингдек, меҳнат бозорига номутаносиблик-ларнинг олдини олишга хизмат қилади. Техникумларнинг фаоли-яга берилаётган эътибор ҳам ай-нан шу муаммони ҳал этишга қара-тилган.

Ҳудудларда Илғор касбий маҳор-рат техникуми ва “Касблар шаҳар-часи” фаолияти йўлга қўйилиши эса касбий йўналтиришни фақат назарий эмас, балки амалий асос-да олиб боришга имкон беради. Мактаб ўқувчилари реал иш муҳи-ти билан эрта танишиб, ўз қизиқи-шини синаб қўриш имкониятига эга бўлади. Бу эса нотўғри касб тан-лаш билан боғлиқ муаммоларни камайтиради.

Дуал таълим тизимининг кен-гайтирилаётганини ҳам халқимиз ижобий баҳоламоқда. Чунки бир вақтнинг ўзида ўқиш ва ишлаш имконияти ёшларнинг меҳнат бо-зорига мослашувини тезлашти-ради, шунингдек, уларнинг мус-тақил даромад топишига замин яратди. Давлат томонидан иш берувчиларга тақдим этилган имтиёзлар эса ушбу тизим бар-

қарорлигига ҳисса қўшмоқда. 2026 йилдан бошлаб техникум ўқувчиларига стипендия жорий эти-лиши касбий таълимнинг ижти-моий мақомини оширади. Бу чора касбий таълимни танлаган ёшлар-нинг моддий жиҳатдан қўллаб-қув-ватланишини таъминлаб, уларни ўқишга жиддийроқ ёндашишга ун-дайд.

Бугунги кунда ёшлар олдида турган асосий масала қаерда ўқиш эмас, балки ўқиш натижасида меҳ-нат бозорига қандай имкониятлар-га эга бўлишдир. Мурожаатнома-да илгари сурилган янги ёндашув айнан шу саволга амалий жавоб беришга шубҳа йўқ.

Сарвиноз СУННАТИЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги
Ёшлар парламенти комиссияси
раиси, Тошкент давлат юридик
университети ўқитувчиси.

Депутатлар — ҳудудларда

АҲОЛИ БИЛАН САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш мақсадида ўз сайлов округларда бўлиб, фуқаролар билан самимий суҳбатлар ўтказмоқда.

Учрашувларда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномаси ҳамда унда илгари сурилган ғоя ва ташаббусларнинг мазмуни ҳақида батафсил маълумот берилмоқда. Шунингдек, “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш” йилида устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастури тўғрисида”ги Фармон лойиҳасининг моҳияти кенг жамоатчиликка етказилиб, бу борада сайловчиларнинг тақлифлари ва фикрлари ўрганилмоқда.

Келажакка дахлдорлик ҳисси

Бугунги ёшлар сиёсати ёш авлоднинг жамият ҳаётида-ги фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини юксалтириш ва давлат бошқарувида иштирок этишга қизиқишини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Натижада йи-гит-қизлар орасида сиёсий партиялар, қонун ижодкорли-ги жараёнларида нисбатан қизиқш тобора ортиб бор-моқда. Бу эса ёшларнинг келажакка дахлдор қарорлар ишлаб чиқишда фаол позицияни эгаллаётганидан дало-лат беради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Гулнора Абдувоҳидова иштирокида Андижон давлат университе-тида “Депутат ва ёшлар” лойиҳаси доирасида ташкил этил-ган маънавий-маърифий тадбирда шу жиҳатлар ўз ифо-дасини топди. Учрашув талабалар учун сиёсий жараён-ларни чуқурроқ англаш, қонунчилик фаолияти билан бе-восита танишиш ҳамда депутат билан очик мулоқот қилиш имконини берди.

Депутат Президентимизнинг бу галги Мурожаатнома-сининг аввалгиларига нисбатан фарқли жиҳатлари, унда илгари сурилган янги ғоялар ва аниқ вазифалар ҳақида сўз юритиб, айниқса, ёшлар учун яратилаётган кенг им-кониятларга алоҳида эътибор қаратди.

— Учрашув талабаларимизда сиёсий жараёнларга нис-батан чинакам қизиқиш уйғотди, — дейди ҳуқуқшунос Мўътабар Содиков. — Назарий билимлар амалиёт билан уйғунлашди, депутат билан мулоқот жараёнида улар янада мустаҳкамланди. Яратилаётган шарт-шароитлар талабалар-ни изланишга ундаётгани, янги марралар сари бошлаётга-ни, айниқса, илм-фан, инновация ва тадбиркорлик йўна-лишларида эришилаётган ютуқлар алоҳида қайд этилди.

Учрашувда талабаларни қизиқтирган саволларга депу-тат томонидан атрофлича жавоблар берилди.

Тадбир доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палата-сининг фаолияти, қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнлари, депутатнинг сайловчилар билан ишлаш ама-лиёти ҳусусида ҳам атрофлича маълумотлар берилди. Бу эса ёшларда қонунчилик тизимига нисбатан ишонч ва қизиқишни янада оширди.

Зарур тиббий хизмат кўрсатилади

Қонунчилик палатаси депутати Тохир Полвоновнинг Хо-разм вилоятининг Янгиариқ туманидаги сайловчилар би-лан учрашувлари кўтаринки руҳда ўтмоқда.

Депутат дастлаб Янгиариқ маҳалласи фаолияти билан яқиндан танишиб, инфратузилма ҳолати, аҳоли мурожа-атлари ва ҳудуддаги долзарб ижтимоий масалаларни ўрганди.

Шунингдек, ҳудуд аҳолиси вакиллари билан мулоқот қилиб, уларни ўйлантириб келаётган масалаларни тинг-лади ва мутасаддилар билан биргаликда ҳал этиш чора-ларини кўрди.

Мазкур учрашувлар чоғида депутат тумандаги “Azza med” хусусий клиникасида ҳам бўлиб, муассасада тиббий хизмат сифати, замонавий ускуналардан фойдаланиш, бе-морларни қабул қилиш жараёнлари ва ходимлар фаолия-тини ўрганди.

Халқ вакили шу кун Янгиобод маҳалласида яшовчи Па-риззода Юсупова хонадонида ҳам бўлиб, беморнинг касал-лигини аниқлаш мақсадида МРТ қўриғидан ўттиши белги-ланди ва бунинг учун зарур ёрдамлар кўрсатиладиган бўлди.

Депутатнинг сайловчилар билан учрашувлари давом эт-моқда.

Марказ фаолияти билан танишув

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шўхрат Ёқубовнинг ҳудудлардаги учрашувлари Жиззах вилояти-нинг Мирзачўл туманида жойлашган Эзгу ният майдони-дан бошланди.

Мазкур майдон бугунги кунда тумanning энг қўрқам ва замонавий масканларидан бирига айланган. Аҳоли учун қўлай ва шинам муҳит яратиш йўлида амалга оширилаёт-ган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ушбу майд-дон тимсолида яққол намоён бўлмоқда.

Халқ вакили майдон ҳудудида амалга оширилган обо-донлаштириш ишлари, инфратузилма ва фуқаролар учун яратилган қўлай шароитлар билан яқиндан танишди. Бу, ўз навбатида, тажриба алмашиш, келгусида амалга оши-рилиши режалаштирилаётган янги ташаббус ва лойиҳа-лар учун муҳим аҳамият касб этади.

Депутатнинг навбатдаги манзили — Мирзачўл тумани-даги “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази бўлди. Халқ вакили бу ерда марказ фаолияти билан яқиндан танишди. Учрашувда марказ томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига кўрсатилаётган манзилли ва профессионал хизматлар юзасидан масъуларнинг ахбо-ротти тингланди.

Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги бўлган шахс-лар, ёлғиз кексалар, болалар ҳамда таъйик ва зўравон-лиқдан жабрланган хотин-қизлар доимий эътиборда эка-ни урулганди. Шунингдек, ижтимоий ходимлар томони-дан маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, реабилита-ция, бандлиқни таъминлаш, моддий ва психологик ёрдам кўрсатиш йўналишидаги фаолият ҳақида маълумот бе-рилди. Марказ ҳузуридаги бепул психологик хизматнинг аҳамияти алоҳида қайд этилди.

Мулоқот давомида депутат томонидан ижтимоий хиз-матлар сифатини янада ошириш бўйича тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон — Туркия: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



1 Туркиянинг географик жойлашуви унга Босфор ва Дарданелл бўғозлари устидан назоратни амалга оширишдек ноёб геосиёсий устунилик беради. Туркия Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ)нинг асосчиси ва фаол аъзоси сифатида Марказий Осиё ва Озарбайжон билан алоқаларни стратегик даражага олиб чиқди. У жон бошига тўғри келадиган гуманитар ёрдам микдори бўйича дунёда энг олдинги қаторларда туради. Туркия молиявий тизими мураккаб глобал шароитларга қарамай, мослашувчанлигини кўрсатмоқда. Мамлакатда банк тизими юқори даражада рақамлашган ва мустақкам. Марказий банк ва ҳукумат экспортга йўналтирилган иқтисодий моделни қўллаб-қувватламоқда, бу эса ишлаб чиқариш ҳамда иш ўринларини кўпайтиришга хизмат қилаяпти.

Замонавий Туркия — бу нафақат бой тарихга эга давлат, балки келажақни белгилловчи глобал “йўлчи”дир. Қудратли армия, жадал ривожланаётган иқтисодиёт ва фаол ташқи сиёсат Туркияни жаҳон сиёсий сахнасидаги ҳал қилувчи қучлардан бирига айлантирди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон учун бундай давлат билан стратегик шериклик ҳар томонлама манфаатли ва истиқболлидир.

Туркиянинг бугунги барча ютуқларида ва эришаётган улкан марраларида мамлакат етакчиси Режеп Таййип Эрдоғанининг 2016 йилда Самарқандга ташрифидан кейин мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги босқич бошланди. Бунга иккала давлат раҳбарларининг 2016 — 2025 йиллар ичида расмий ва бошқа халқаро платформаларда норасмий равишда йигирмадан зиёд учрашувлар ўтказгани муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Умумий тарих ва маданий меросга эга бўлган иккала мамлакат раҳбарларининг ўзаро мулоқотлари, турк дунёси билан муносабатлари яхшилашга интилиши ҳамкорликни кучайтирувчи омил бўлмоқда. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Фаол дипломатик алоқаларнинг асл сабабини эса бу икки етакчининг ўзаро ҳамкорлиқни жадаллаштиришга бўлган жиддий истаги деб таърифласак тўғри бўлади. Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёев фаол ва ҳар тарафлама очиқ ташқи сиёсат юритиб келаётгани му-

лоқот майдонини янада кенгайтирди. Ўзбекистон ва Туркия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро мулоқот платформаларида бир-бирини ҳар доим қўллаб-қувватлаб келади, дунёда тинчлик, ҳамкорлик ва ривожланиш тарафдори бўлиш борасида доим ҳамфикрди. Икки давлат раҳбарлари ривожланиб бораётган бу ҳамкорлик натижаси бутун туркий давлатлар дунёсини ҳам қамраб оладиган даражада юксалиши зарурлигини яхши тушунади. Бу борада Ўзбекистоннинг 2019 йилда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо бўлиб киришининг аҳамияти ҳам катта бўлди. Ҳатто Ўзбекистондан кейин Туркменистон ҳам бу тузилмага қузатувчи бўлиб кириш истагини билдирди. Шу ва шунга

бўлиб ўтган Туркия — Ўзбекистон қўшма стратегик режалаштириш гуруҳининг тўртинчи йиғилиши ва “4+4” механизми доирасидаги учрашувларда бу интилиш ўзининг амалий ифодасини топди. Анқарадаги учрашувнинг таркиби (ташқи ишлар, мудофаа, ички ишлар, махсус хизматлар раҳбарлари) халқаро дипломатияда жуда кам кузатиладиган ҳолат бўлиб, бу ўртадаги тўлиқ ишонч белгисидир. Туркия ҳам НАТО аъзоси, ҳам технологик жиҳатдан ривожланган мудофаа саноатига ҳамда Ўзбекистон билан маданий-тарихий яқинликка эга. Бу учрашув Ўзбекистоннинг хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорларини диверсификация қилаётганини кўрсатади. Тошкент факатгина битта куч марказига боғланиб қолмоқчи эмас. Туркия билан ҳарбий ва

тижа бўлди. Айни пайтда тижорат ва банк соҳасида ҳам қисқа муддатда яхши натижаларга эришилди. Масалан, Туркиянинг “Зираат Банк”и Ўзбекистондаги 100 фоиз ташқи сармоёга эга бўлган ilk банк сифатида тарих саҳифаларига кирди. Икки давлат ўртасидаги савдо ҳажми кундан-кунга ортиб бормоқда. Айни пайтда Туркия Ўзбекистоннинг энг кучли бешликка кирувчи тижорат ҳамкоридир. Ҳозирги кунда ўзаро тижорат ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш ва Туркия инвесторларининг сармоялари ҳажмини янада ошириш борасида келишувларга эришилган. Ўзбекистонда Туркия иштирокидаги корхоналар сони 2 100 дан ошгани бу мақсадга эришиш учнаклик қийин кечмаслигини кўрсатади.

Ўтган йилнинг мобайнида Тошкентдаги “Эски шаҳар” туризм ҳудуди, “Tashkent City”, “Чорвоқ” тоғли ҳудудидаги туризм иншоотлари бунёд этилгани турк ишбилармонлари ва Туркия билан алоқаларининг амалий ифодасидир. Бундан ташқари, Самарқандда ўй-жой қурилиш борасида катта лойиҳаларга келишилган. Ўзбекистонда қадимий маданият ва зиёрат туризмни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Туркия эса бу йўналишда катта тажрибага эга. Айни пайтда Туркия транспорт, логистика, хизмат кўрсатиш ва саломатлик борасида Европа стандартидан ҳам юқори даражадаги муваффақиятларга эришмоқда. Айнан шу соҳаларда ҳамкорликни жадаллаштириш долзарб. Туркия бу борадаги тажрибасини нафақат Ўзбекистон, балки бутун туркий дунё билан бўлишишга тайёр.

Глобалашаётган дунёда давлатлар ва жамиятлар яшовчанлигини таъминлашнинг асосий шарт қилар ва имкониятларни бirlлаштиришдир. Ишончли бирлашув, иттифоқлар замирида эса ўзаро яқинлик туради. Ўзбекистон ва Туркияни боғлаб турувчи ришта — бу нафақат яқинлик, балки тарихий бирлик ҳам.

Туркия Ўзбекистоннинг геосиёсий мустақиллигига раҳна солмайди, аксинча, икки давлатнинг ўтмиши муш-

“*Ўзбекистон ва Туркия Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро мулоқот платформаларида бир-бирини ҳар доим қўллаб-қувватлаши, дунёда тинчлик, ҳамкорлик ва ривожланиш тарафдори бўлиш борасида доим ҳамфикрди. Икки давлат раҳбарлари ривожланиб бораётган бу ҳамкорлик натижаси бутун туркий давлатлар дунёсини ҳам қамраб оладиган даражада юксалиши зарурлигини яхши тушунади.*”

ўхшаш ҳамкорликларда ўзаро бирга иш юритиш иккала давлат учун жуда муҳим. Зеро, бундай ташкилотлар факатгина сиёсий мавзулар билан машғул бўлиб қолмасдан, кўпроқ маданий мерос ва ўзаро ҳамкорликка жиддий эътибор қаратаётгани эътиборга молик.

Икки давлат раҳбарларининг барча учрашувларида энг муҳим мавзу иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш бўлиб келаётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Булар қаторига кейинги йилларда ҳарбий ва хавфсизлик борасидаги ҳамкорлик ҳам қўшилди. Шу йил 20 январь куни Анқарада

хавфсизлик соҳасидаги яқинлашув Ўзбекистон армиясининг модернизациясини тезлаштиради.

2017-2018 йиллар оралиғида имзоланган ҳамкорлик борасидаги келишувлардан энг муҳими — Ўзбекистон 2019 йилнинг 10 февралидан бошлаб бир томонлама тўхтатиб қўйилган Туркия фуқароларига бериладиган 30 кунлик виза тартибини яна қайта тиклади. Ўзбекистоннинг бу ҳаракати икки томонлама ишончини янада мустаҳкамлади. Ўзбек ва турк авиакомпанияларининг Самарқанд, Бухоро, Наманган, Фарғона ва Анқара — Тошкент қатновлари йўлга қўйилиши жиддий на-

ЗАРҚАЙНАРДА ҲАЁТ ҚАЙНАМОҚДА



1 ...Тадбиркорлар томонидан олиб келинаётган хунармандчилик маҳсулотларини шу кўчадаги дўконга туширишга бош-қош бўлаётган йигит “Абубакир Шоший” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳоким ёрдамчиси Ойбек Садриддинов экан.

— Зарқайнар кўчасида туризм ва хизмат кўрсатиш масканларининг очилиши биз учун катта воқелик бўлди, — дейди Ойбек. — Шунинг учун қўшни маҳалладан бўлсак ҳам, қўл қовштириб ўтиришни ўзимизга эп кўрмадик. Чунки мана шундай туризм объектлари эртага эски шаҳарнинг бошқа кўчаларида ҳам қад ростлади. Тадбиркорларга қўлимиздан келганча қарашлимиз, уларнинг бемалол фаолият юритиши учун имконият яратамиз. Президентимиз ташриф чоғида фаолиятини қўллаб-қувватлаб, янада ғайрат билан ишни давом эттиришимни тайинлади. Шундан буён янада баланд руҳ, кўтаринки кайфият билан ишлаялман.

— Мен заргарлик буюмлари ясаб билан шуғулланаман, — дея тўлкинланиб сўзлайди яна бир тадбиркор Хуршида Пўлатова. — Турмуш ўртоғим й гўруҳ ногирони, икки нафар ўғлимиз бор. Рост, илгари аҳолиимиз жуда хароб, яшаётган иморатимиз шўрланиб, тўкилиб қолган эди. Олмazor тумани ҳокимлиги вакиллари келиб, “Уйингизни қайтадан қуриб, тадбиркорлик қилишингиз учун барча шароитларни яратиб берамиз” дейишганида, тўғриси, ишонмаган эдим. Бунақа воқеалар фақат тушда ёки эртакларда бўлади, деб ўйлардим. Йўқ, барчаси кўз ўнгимизда содир бўлди. Мана шундай мухташам урни қуриб беришди, барака топқурлар. Жуда хурсандман, миннатдор-

ман. Заргарлик маҳсулотларини ясаш учун хомашё олиб келишимга ҳам ёрдамлашимяпти, икки фарзандимни ишга жойлаб қўйишди. Аҳолиимиз ўнгланиб кетди.

— Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувим қўтлмаганда юз берди, — дейди 70 ёшни қоралаб қолган отахон Абдулатиф Шаҳобов. — Президентимиз кўчадан ўтиб кетаётганларида уйимиз рўпарасида тўхтаб, мендан ҳол-аҳвол сўрадилар. Олмазор тумани ҳокимлиги кўмағида тўртта тадбиркорлик дўкони ташкил қилганимни, уларнинг учтасини ижарага бериб, биттасида ўзим иш юритмоқчи эканимни айтдим. Давлатимиз раҳбари ишларимга барор тилаб: “Бу ерда менинг кўзим ҳам, қўлогим ҳам сизсиз. Хайрли ишлардан хабардор қилиб турасиз. Ёшларга сарқор бўлиб, уларни қаватингизга олинг, шогирдларни қўпайтиринг”, деди.

Тадбиркор Элнора Ризаева эса Зарқайнар кўчасининг 48-манзилида ташландиқ бўлиб ётган эски чойхонанинг кўркам қиёфа қасб этишига бош-қош бўлган. У бу ерда “Занмакон” ижтимоий комплекси бунёд этиб, хотин-қизларни хунармандчиликка, тадбиркорликка жалб қилиш, улар учун турли йўналишларда ўқув курсларини ташкиллаштириш ишлари билан шуғулланади. Биз ушбу маскандан туризм ва хизмат кўрсатиш объектлари фаолиятини йўлга қўйишга жалб этилган Олмазор тумани ҳокимининг матбуот котиби Виталий Толибжонов билан танишдик.

— Президентимиз Зарқайнар кўчасига ташриф буюрганида битта гапни таъкидлади. Албатта, сайёҳлар учун яхши шароит яратиш керак. Бунинг учун эса малакали кадрлар тайёрлаш зарурати бор. Ва бу борада хунармандлар университетини ташкил



этиш масаласи кун тартибига қўйилди. Бу жуда тўғри ечим деб ўйлайман, — дейди Виталий. Келажақда Олмазор туманида 15 та маҳаллани ўзаро боғловчи туман аҳамиятидаги олти кўчада туризм ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилади. Кекса отахонларнинг айтишича, ўтган асрнинг бошларида Зарқайнар кўчаси то Ҳасимом масжид-мадрасаларига қадар савдо ва хунармандчилик расталари билан тўлиб-тошган. “Зарқайнар” сўзи ҳам шундан келиб чиққан. Ҳудудда ҳаёт қайнаган, хориждан келган қарвонлар савдо-сотик билан шуғулланган. Ўтган асрнинг 50-йил-

ларида келиб ушбу кўчага Ҳамза номи берилган. Хунармандлар, савдогарлар тузум томонидан таъқибга олиниб, қатағон қилинган, қамалган. Ўшандан бошлаб кўчанинг файзи қолмаган. Оққан дарё оқмай қолмайди, деганларидек, Президентимиз ташаббуси билан Зарқайнарда яна ҳаёт қайнапти. Эски шаҳарнинг бу ҳудуди бугун сайёҳларнинг энг сеvimли масканларидан бирига айланди.

Республика бюджетидан ажратилган 150 миллион сўм ҳисобига ушбу кўчадаги 576 та хонадон миллий кўринишда таъмирланди. 100 нафар тадбиркор томонидан 166 млрд. сўм инвестиция киритилди. Ҳозир бу ерда 7 та меҳмонхона, 8 та ресторан, 5 та хунармандчилик маркази, битта савдо маркази, 125 та хизмат кўрсатиш объекти ташкил этилди. 1500 нафар фуқаро доимий иш билан таъминланди.

Давлатимиз раҳбари янгиланган кўчага ташрифи чоғида миллий меъморий услубда таъмирланган хонадонлар, обод кўчалар ва аҳоли учун яратилган ша-роитларни кўздан кечирди, ўзи танлаган хонадонларга кириб, уй эгалари, сайёҳлар, хунармандлар билан суҳбатлашди, талаб ва тақлифлари билан қизикди. Уларга алоҳида тарзда “Эски шаҳар” дастури ишлаб чиқилганлиги маълум қилди.

Хуллас, Зарқайнар кўчасида асрлар давомида шаклланган миллий меъморчилик аъаналари ва хунармандчилик фаолияти қайта тиклангани ишбилармон ҳамда тадбиркорларга, умуман, маҳалла ахлига қувонч бағишлади.

Келажақда “Олмазор” инновацион ўсиш ҳудудини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган мастер-режага асосан ушбу ҳудудда таълим-инновация, туризм ва савдо, маданий мерос, бизнес ҳамда IT хизматларини қамраб олган “ривожланиш коридорлари” ташкил этилади. Эски шаҳар атрофида Талабалар шаҳарчаси, университет ва технопарклар, соғлиқни сақлаш объектлари, шунингдек, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Ҳазрати Имом мажмуаси, Чорсу ва тарихий шаҳар марказини ўз ичига олган туризм йўналишлари ўзаро уйғунликда шакллантирилади. Ҳозирча эса Зарқайнарда ҳаёт қайнапти, уни кўрганларнинг дили яйрапти. Хайрли ишлар давом этмоқда.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЛ ТАШВИШИ ЭЛАҚДАН ЎТКАЗАДИ

Мусурмон Тоғаев — 68 ёшда, мен билан тенгқур. Мен яшайдиган Зарбдор туманидаги Наврўз маҳалласи раиси. Бу лавозимга уч ойча аввал қайта тайинланди. Узоқ йиллар айни лавозимда ишлагандан сўнг беш йил бурун: “Бўлди энди, пенсияга чиқдимми, дам оламан”, дея ариза бериб ишдан кетган, ўрнига муовини, 40 ёшлардаги Музаффарни тақлим қилган эди. Музаффар бир қаҳирчи, яъни беш йил ишлади. Аммо ўтган йилги сйлловда ўз номзодини раисликка қайта қўймади. “Чарчадим, кетаман”, деди. Ва кетди, кетганда ҳам Россияга жўнаб юборди. Муқобил сйлловда яна бир қирқ ёшли йигит, Хайрулла сайланди. У бор-йўғи тўрт ой ишлади ва ўз ихтиёри билан ариза бериб кетди — чидамади. Раислиқнинг қийинчиликлари, “юк”ига дош беролмади. Айтишларича, раис бўлганида тўхтатиб қўйган бизнесини яна юритаётган эмиш. Раислик мутлақо чарчатиб юборди, деганмиш.

Мулоҳаза

Эътибор қиялпсизми, иккита раис ўз ихтиёри билан истеъфо берган.

Хўш, нега? Мусурмон Тоғаев билан суҳбатимиз шу қақда.

Унинг айтишича, ҳақиқатан ҳам, маҳаллада “еттилик” бор, аммо барча “юк” раиснинг бўйнида. Ҳоким ёрдамчиси ойлик маошини талаб этилади. Ҳолбуки, ходимлар билан раиснинг муносабати мана бунақа... Шу сабабли, барча оғирлик фақат раиснинг елкасига тушаверади. Бунинг залворига унча-мунча ёшлар чидамаяпти. Кўрпясизки, “Наврўз” МФЙда кейинги бир йил давомида учинчи марта раис анигиланди.

Мусурмоннинг суяғи кейинги йигирма йиллар давомида маҳалла раислигида қотган. Оғирига ҳам, ёнгилига ҳам ҳамиша чидаб келган. Гувоҳ бўлганманки, маҳалла аҳлининг энг зарур бўмас моларини ўзи хатто олисда қўйиб ҳам, “тепа”нинг топшириғи билан юрганга қарамай, масофадан ту-риб ҳал қилиб берган.

Айтмоқчиманки, Мусурмон шу маҳаллада қирқ йилдан бери яшайди. Маҳаллий аҳолининг барча қатламини беш бармоғидай яхши билади. Кимга ишониш керак, ким хатарли, ким мулоҳаза, ким алдайди — барчаси

қўп эмиш. Қолаверса, уч-тўрт маҳалла битта солиқчи. Уни доимий маҳалла идорасида ўтира-сан, дейиш ҳам ноўрин бўлса керак.

Хуллас, шунақа гаплар... Маҳаллада келадиган топшириқлар, бажарилиши зарур бўлган ишлар одатда раисга берилди. Ўз навбатида, раис топшириқларни ходимлари орасида тақсимлаши талаб этилади. Ҳолбуки, ходимлар билан раиснинг муносабати мана бунақа... Шу сабабли, барча оғирлик фақат раиснинг елкасига тушаверади. Бунинг залворига унча-мунча ёшлар чидамаяпти. Кўрпясизки, “Наврўз” МФЙда кейинги бир йил давомида учинчи марта раис анигиланди.

Мусурмоннинг суяғи кейинги йигирма йиллар давомида маҳалла раислигида қотган. Оғирига ҳам, ёнгилига ҳам ҳамиша чидаб келган. Гувоҳ бўлганманки, маҳалла аҳлининг энг зарур бўмас моларини ўзи хатто олисда қўйиб ҳам, “тепа”нинг топшириғи билан юрганга қарамай, масофадан ту-риб ҳал қилиб берган.

Айтмоқчиманки, Мусурмон шу маҳаллада қирқ йилдан бери яшайди. Маҳаллий аҳолининг барча қатламини беш бармоғидай яхши билади. Кимга ишониш керак, ким хатарли, ким мулоҳаза, ким алдайди — барчаси

раклиги келажақда ҳам ишончли ҳам-корликка асос бўлади. Бугун Туркия қудратли иқтисодиётга эга, қурилиш сектори, туризм, оғир ва енгил саноат ўта ривожланган, замонавий ҳарбий технологиялар борасида хайратли ютуқларга эришаётган давлат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг эса бу соҳаларнинг барчасида ҳамкорликка, сар-моялар ва тажриба алмашинувиға эҳти-ёжи бор.

Бўлажак олий даражадаги ташриф-нинг кун тартибидан янги кооперация лойиҳалари портфели жой олиши қўтимоқда. Бунда асосий урғу энер-гетика ва “ашил” технологиялар, саноат ва фармацевтика, тўқимачилик, туризм масалаларига қаратилиши табиий. Мамлакатимизда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида иссиқлик ва қуёш электр станцияларини қуриш бўйича тажриба алмашиш ва янги лойиҳаларни ишга тушириш фаоллаш-ган. Хусусан, “Аска Енерҗи” компания-сининг Ўзбекистон энергетика тармо-ғини кенгайтириш ва технологик мо-дернизация қилиш лойиҳаларида иш-тироки бундан далолат. Туркия компа-нияси билан ҳамкорликда Тошкент ва Бухоро вилоятларида умумий қуввати 740 мегаватт бўлган замонавий электр станцияларини қуриш лойиҳалари му-ваффақиятли амалга оширилди. Янги йил арафасида Қашқадарь вилоятининг Нишон туманида қуввати 400 мегаватт бўлган янги электр станциясини ишга тушириш маросими бўлди.

Бундан ташқари, Туркия томони билан маҳаллий хомашё асосида замо-навий дори воситалари ва саноат маҳ-сулотлари ишлаб чиқаришни маҳаллий-лаштириш, Ўзбекистон пахтасини тўлиқ қайта ишлаш ва тайёр бренд маҳсу-лотлари воситасида жаҳон бозорига биргаликда чиқиш ҳам режалаштирил-ган. Одатда, иқтисодий ҳамкорлик за-мирида ҳам маълум сиёсий мақсадлар ётади. Ўзбекистон каби туркий давлат-ларнинг ривожланиши расмий Анқара учун табиий иттифоқларнинг қад кўтаришини аниглайди. Расмий Анқара халқаро майдонда ўзининг ишончли дўстларига, қардошларига эга бўлиш-ни истайди.

Кейинги йилларда Марказий Осиё ва Кавказда вужудга келган геосиёсий вазият шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва Туркия каби давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳар томонлама манфаатли бўлиб, катта истиқболларга эга.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ,
(«Халқ сўзи») сиёсий шарҳловчи.

Маъно ва ҳайрат

Ҳазрат Алишер Навоийнинг тафаккур маҳсули бўлмиш беназир, сўнмас асарлар замирига сингдирилган ирфоний-фалсафий ҳикмат асрлар оша сўз аҳли қалбига қувват, завқ, шуур бағишлаб келмоқда.



Шарқ дурдонаси ва тафаккур неъматини ҳисобланмиш ҳазрат Навоий маҳзанидан баҳраманд бўлиш осон иш эмас, албатта. Бу кишига солиқнинг тарикатга кирганидек вазифа ва масъулият юклайди.

Шоир асарлари моҳиятини уқши, таҳлилга тортиш, мушоҳада қилиш толиби илмдан балоғат, фасоҳат, калом илмидан хабардорлиқни талаб этади. Шу билан бирга, у сўзнинг зоҳирий, ботиний, мажозий, киноявий, кўчама ва матн ости яширин маъно қирраларини англаши, ҳис қилиши зарур.

Шеърят — муаттар ифор. Уни тушуниш, ундан завқланиш учун ошиқдек ҳижрон ўтида парвонадек куйиш, шамдек эриш, ишқ дардидан ҳузурланиш, кабир ва сагир оламини басират кўзи билан эмас, қалб кўзи билан идрок, таҳаммул қилиш лозим бўлади.

Мир Алишер Навоийнинг ҳар бир асари — уммон, сўз латофати ила тўла лиммолим, даржланган зар ҳуққа. Ул табаррук зотининг “Ҳайрат ул-аброр” достони ҳайрат ичра йўрилган, жаҳоҳирлар маскани.

Жумладан, достоннинг XIV бобида: “Сўз таърифидаким, башар вужуди сипехрининг кавкаби жаҳонтобиш ва инсон зоти маъданининг жавҳари сероби дурӯр...” (“Сўз таърифидаким, одамизод жисми фалакнинг юлдузлари каби нурафшон, жаҳонтоб ва инсон зоти маҳзанининг яшноқ гавҳаридек серобдир...”) деб, боб дебосчасида назм силкига тортилган мавзунинг мақсад ва матлаби таърифланган. Мазкур бобда сўз Яратувчи томонидан бани одам фарзандига берилган неъматлар ичидан энг ноёб ва шарафли илоҳий мўъжиза, иноят деб тавсифланади.

Дарҳақиқат, сўз — лисоний ғайб. Исоботи шуки, ҳазрат Алишер Навоий барча назмий, насрий асарларида сўзнинг мақоми, мартабаси ҳусусида бот-бот қалам юритади, шарафлайди, таъриф беради.

Сўз гуҳарига эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анча гавҳар садаф.
Тўрт садаф гавҳарининг дуржи ул,
Этти фалак ахтарининг буржи ул.
Топми қачонким назар этти кўнгул —
Катми одам гулшани ичра нуҳуфт,
Гунчалар эрди бориси ношуқуфт.
Чун бу насим эсти азал тоғидин,
Мунча гўл очилди жаҳон боғидин.
Қайси насим улки гулфшон,
Хис гўлу настаран андин нишон.
Бу икки яфронги қачон зуфунун,
Бир-бирига қўйса бўлур “кофу нун”.
Дахр мукайяд бола зодаси,
Барча эрур “киф” ила “нун” зодаси.

Ушбу шеърый парчада сўз ягона қолип назм силкига тортилиб, дурри ғалтондек

раксга тушиб, поэтик ҳусн касб этган. Сўз гавҳарига шараф бўлсинки, унинг таърифиди садаф, гавҳар ҳам камлик қилади. Чунки сўз — тўрт садаф (унсур): тупрок, сув, ўт (олов), ҳавонинг заркутиси, сандиғи; етти фалак юлдузи: Кўёш, Ой, Аторуд, Зухра, Миррих, Муштарий, Зухал сайёраларининг буржи (яъни юлдузлар қанчалик улкан ва ёрқин бўлмасин, улар фақат сўз билан номланади, таърифланади, улар Аллоҳ измида). Боғчаи дахр — жаҳон боғининг юз тоза гули бор, унга қачон назар солсанг, кўнглинг шунча завққа тўлади. Лекин у (сўз) мавжудлигидан бу тоза гуллар илгари (борлик) катми адам — йўқлик оламида эди. Шунда азал тоғи (Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаво учрашган жабарул-рахма тоғига ишора)дан ажиб бир насим эсдики, жаҳон боғида шунчалик кўп гул очилди ва олам гулистонга айланди, безалди. Ҳаёт ва инсоннинг яратилишига ишора бу. Шундай насимки, унинг қудрати бунчалик улғу бўлса (бу ўринда гул сўзнинг бош ҳарфи “коф”, настаран сўзнининг бош ҳарфи “нун”га ташбеҳ)! Ҳунар, илм соҳибни, яъни Аллоҳ “коф” ва “нун” (арабча “Кун!” — “Бўл!”) дейиши билан борлик, мавжудот вужудга келди.

Маснавий байтлари бадийи-стилистик маъно ҳусусияти жиҳатдан бир мантиқий урғуга боғланиб, фикрий уйғунлиги, маънан бутунлиги, поэтик жозибаси, шунингдек, мажозий маъноси билан ўқувчини ҳайрат оламига етаклайди. Бу кашфу каромат шоирнинг маънавий олами нечоғли юксак ва назик идрокидан далолат беради.

Субҳи азал қилди чу деҳқони сунъ
Одомий ҳоқийни гулистони сунъ.

Байтда қўлланган сўзларнинг поэтик маъно ҳусусияти бир-бирига мукамал ўзвий боғланган, ахлит умумий маъно қобиғига эга. Субҳ сўзи тонг, ҳар бир воқеликнинг бошланиши, ибтидосини билдирса, субҳи азал изофали бирикма сифатида азалий тонгни, азалий ибтидо каби маъноларни англайди. Деҳқон — мажозий маънода Яратувчи, Аллоҳ. Сунъ — ижод қилиш, яратиш, яратқи. Одомий ҳоқий — тупроқдан пайдо бўлган, яратилган; инсоннинг яратилиш мабдаъи (манбаъи)га ишора; гулистони сунъ — инсон яшайдиган манзил, жойи, макони. Ер сайёрасига ишора.

Юқоридаги байтда Яратувчи азал тонгидан, азал субҳидан ўз нафаси орқали одомий ҳоқий — Ер мулкани яратди ҳамда одамга руҳ ато этиб, Ерни инсон билан гулистонга айлантирди деган маъно, мушоҳада англашилади.

Толиб ўз тафаккури доирасида ва тушуниш даражасига мувофиқ, берилган қувваи ҳофиза миқдорича матнни тушунади, хис этади ҳамда таҳлил ва сўз юритади. Шу боис Алишер Навоий шеърятининг дақиқ нуқталари асрлар оша қалбимизни завққа, руҳимизни шурғуга, тафаккуримизни нурга тўлдириб, илоҳий ҳайратга чорлаб келмоқда.

Исҳоқхон НОСИРОВ,
Ангрен давлат университети доценти.



Осмон қорни элади...

Ҳа, заминни оққа белаб ёғаетган қор юртдошларимизга чинакам хушқайфият, қиш завқини улашмоқда. Қўқдан пағалага бўлиб тушаётган оқ парчалар ўзи билан бирга кут-барака ҳам олиб келаётгандек гўё.

Зотан, қор — поклик ва тўқинлик рамзи. Халқимиз “Қор ёғди, дон ёғди” дея бежиз айтмайди-да. Ёмғир — барака, қор — ризқ, демакдир.

Ҳозир табиат аини қиш чилласининг ҳукмида. Одатда, ёғингарчиликнинг асосий қисми шу пайтга тўғри келса-да, айрим йиллари илиқ келгани ҳам бор гап. Лекин қиш қишлигини қилгани маъқул. Нуронийларимиз дуога қўл очмашар экан, “Қиш қишдай бўлсин” дея юзларига фотиҳа тортишди. Бинобарин, бу фасл об-ҳавосида гап қўй. У келгуси йил деҳқончилигининг баракаси, чорванинг барорини белгилаб беради.

Таҳрибали деҳқонларнинг фикрича, шудгор қилинган ерларда қорнинг сингувчан сувлари нам сақлаб, озуқа вазифасини ўтайди. Чилла сувини, айнқиса, боғбонлар ўзгача қадрлашади. Пайт бўлди дегунча, дов-дарахтлар ва тоқзорларга чилла сувини оқишиш пайидан бўлади. Негаки, чиллада сувга қондирилган тоқзор ва мевазорлар ёзда сувни бир марта кам талаб қилади, мўл ҳосил тўплайди. Шунинг учун халқимиз чиллада ёққан қорни барака манбаи сифатида хушнудликда қутиб олади.

Қиш чилласи 5 февралга қадар

ТЕХНОЛОГИК ТАФАККУР ВА ИЖОДИЙ МАКОН ЛОЙИҲАСИ

Қарши шаҳрида ёш инноваторлар учун мўлжалланган замонавий технологик ва ижодий макон — “American Makerspace Qarshi” лойиҳаси иш бошлади.

Изланиш

Мазкур марказ фан, технология, муҳандислик, санъат ва математика (STEAM) йўналишларини ягона муҳитда уйғунлаштириб, ёшларнинг технологик тафаккури, кўникмалари ҳамда ижодий салоҳиятини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунингдек, лойиҳа инновацион ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, замонавий билимларни ҳамкорлик асосида ўзлаштириш учун янги имкониятлар яратди. “American Makerspace Qarshi” инновацион марка-



зининг очилиш маросимида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси Жонатан Хеник, Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматов, олий таълим, фан ва инно-

вациялар вазири Қўнғиротбой Шарипов ҳамда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари масъуллари иштирок этди.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(“Халқ сўзи”).

ТАРИХ ВА ТЕХНОЛОГИЯ УЙҒУНЛИГИ

Бундан минг йиллар муқаддам Хоразм заминида яратилган муқаддас “Авесто” китобида бутун борлик тўрт унсур — тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан иборат экани таъкидланади. Шу боис аждодларимиз табиатни асрашни энг олий қадрият сифатида билади, сув, ҳаво ва тупроқни эъзозлаб келади. Бу тасаввурлар халқнинг қўндалик турмуш тарзи, санитария ва гигиена қоидаларида ҳам ўз аксини топган.

Тажриба

Дунё халқларининг кўпчилиги ҳали “канализация” деган тушунча ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган бир даврда қадим Хивада маиший чинкиди сувларни чиқариб юборишга мўлжалланган мукамал муҳандислик тизими мавжуд бўлган. Ичан қалъада олиб борилган археологик қазималар чоғида топилган бир неча минг йиллик сопол қувурлар шундан далолат беради. Ушбу қувурлар орқали оқова сувлар шаҳар худудидан ташқарига чиқарилган.

Кекса авлод вакиллари яхши эслади: Ичан қалъадаги ҳар бир уй даҳлизининг бир бурчагида маҳаллий аҳоли “тўшши” деб атайдиган махсус жиҳоз бўлган. Унда юз-қўл

ювилган, чинкиди сув эса сопол қувурлар орқали ташқарига олиб чиқилган. Қалин ва мустаҳкам қилиб ясалган “тўшши”лар ҳозир ҳам Ичан қалъадаги мадрасалар, тарихий бинолар ҳовлиларида сақланиб қолган. Ёмғир ва қор сувлари шу тизим орқали оқиб кетади.

Юксак шаҳарсозлик ва муҳандислик тафаккури шаклланган воҳада кейинги йиллар давомида оқова сувларни тозалаш масаласи бирмунча эътибордан четда қолди. Қанчалик санитария қоидаларига зид бўлмасин, марказлашган канализация ўрнига уй олдиди чинкиди сувлар тўпланадиган ҳовузчалар қуриш амалиёти кенг тарқалди. Айниқса, туман марказла-

ри ва қишлоқ жойларида барпо этилаётган кўп қаватли уйлари марказлашган канализация тармоғига улаш имконияти боис оқова сувлар локал тармоқ орқали махсус ёпиқ ҳовуларда тўпланиб қолмоқда. Бу эса экология учун жиддий оқибатларни келтириб чиқаради.

Илгари вилоятда меъёрда ишлайдиган марказлашган канализация тизими фақат Урганч шаҳридагина мавжуд эди. Кейинги йилларда эса бу борада ижобий сил-жишлар кузатилмоқда. Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам оқова сувларни тозалаш иншоотлари ҳамда тармоқлар босқичма-босқич қурилмоқда.

— Ўтган йили Богот туманидаги Оқтепа ва Абу Райҳон Беруний номидаги маҳаллаларда жойлашган 37 та кўп қаватли тураржой учун 12 километр оқова сув тармоғи, 2 та сув ҳайдаш иншооти ҳамда бир кеча-кундузда 1000 куб метр оқова сувни атроф-муҳит учун зарарсиз ҳолга келтириш қувватига эга тозалаш мажмуаси бунёд этилди, — дейди “Хоразмсувтаъмино-

ти” АЖ раҳбари Отабек Кодиров. — Хонқа туманидаги Дўстлик маҳалласида жойлашган кўп қаватли уйлар учун 5,5 километр оқова сув тармоқлари ва сув ҳайдаш иншооти ишга туширилди. Умуман, давлат дастурлари доирасида ўтган йили вилоятда 98 километр оқова сув тармоқлари ётқизирилиб, 10 та иншоотда қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Айни пайтда Қўшқўпри, Шовот ва Ҳазорасп туманларида ҳам шундай лойиҳалар давом этмоқда.

— Ўн йилдан бўён туман марказидаги кўп қаватли уйда оиламиз билан яшаймиз, — дейди Богот туманидаги Оқтепа маҳалласи тургуни Мансур Матёкубов. — Илгари канализация йўқлиги сабаб йиллар давомида қийинчиликка дуч келдик. Айниқса, ёз фаслида қи-қинди сувларнинг бадбўй хидидан безор бўлардик. Ҳозир барча уйлар марказлашган оқова сув тармоғига улангач, бу муаммо батамом бартараф этилди. Бундан маҳалладошларимиз жуда мамнун.

Айни пайтда вилоятдаги энг йи-

рик лойиҳа Европа тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида амалга оширилмоқда. 2025 — 2028 йилларга мўлжалланган ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 150 млн. АҚШ долларини ташкил этади. Унинг доирасида 220 километр оқова сув тармоқларини қуриш, Урганч ва Хива шаҳарлари ҳамда Тупроққалъа ва Гурлан туманлари марказида жами 4 та замонавий оқова сув тозалаш иншоотини барпо этиш режалаштирилган.

Вилоятда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар нафақат экологик муаммоларни юмшатиш, балки тозаланган оқова сувлардан балиқчилик, шолчилик каби сувни кўп талаб қиладиган тармоқларда самарали фойдаланиш имконини ҳам яратмоқда. Бу эса аждодларимизнинг табиатга бўлган эҳтиромининг замонавий технологиялар билан уйғун давом эттири-лаётганидан далолатдир.

Одилбек ОДАМБОВ
(“Халқ сўзи”).

ТУРИЗМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Япониялик сайёҳларнинг қизиқиши баланд

Япониянинг Нагоя шаҳрида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилишга бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Тадбир “Club Tourism International Inc.” сайёҳлик компанияси билан ҳамкорликда, Ўзбекистоннинг Япониядаги туризм элчиси Кайсуке Минами кўмағида ташкил этилди.

Учрашувда 2025 йилда мамлакатимизга қарийб 12 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюргани таъкидланди.

Айниқса, япониялик туристларнинг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора баланд. Хусусан, юртимизга келган Япония фуқаролари сони илк бор 32 минг нафардан ошиб, 2024 йилда-гига нисбатан 162 фоиз ўсган.

Тадбир иштирокчилари-га Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси, ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхати-га киритилган тарихий объектлар, худудларнинг туристик салоҳияти, миллий урф-одатлар, анъанавий таомлар ҳамда япониялик меҳмонлар учун қизиқарли бўлган машхур сайёҳлик йўналишлари ҳақида батафсил маълумот тақдим этилди.

Маданий мерос намуналари кўргазмаси

Мамлакатимизнинг туризм салоҳияти Австриянинг энг йирик халқаро сайёҳлик кўргазмаларидан бири — “Ferien Messe Wien 2026” доирасида кенг намойиш этилди.

Туризм қўмитаси 15 — 18 январь кунлари Вена шаҳридаги “VIECON” кўргазмалар марказида бўлиб ўтган ушбу нуфузли тадбирда миллий стэнд билан қатнашди. Кўргазма давомида ташриф буюрувчиларга Ўзбекистоннинг

бой маданий мероси, анъанавий халқ хунармандчилиги, шунингдек, юртимизнинг хилма-хил ва бетакрор сайёҳлик имкониятларини ўзида муҳассам этган замонавий саёҳат йўналишлари ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Жозибадор йўналишлар Европада тарғиб этилди

Европанинг нуфузли “Travel Tomorrow” сайёҳлик порталида журналист Антонио Бускардинининг Ўзбекистон туризм салоҳиятига бағишланган мақоласи эълон қилинди.

Унда мамлакатимизнинг 2030 йилгача 20 млн. хорижий сайёҳни жалб этишга қаратилган стратегик мақсадга алоҳида ургу берилган.

Мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самараси батафсил ёритилган. Хусусан, 2025 йилда Ўзбекистон

дунё миқёсида энг тез ривожланаётган “ТОП — 7” сайёҳлик йўналишларидан бири сифатида қайд этилгани таъкидланади.

“Travel Tomorrow” нашридаги мазкур мақола Ўзбекистоннинг туризми ривожлантириш борасидаги ютуқларининг халқаро миқёсдаги тасдиғидир.

“Халқ сўзи”.

2026/2027 ўқув йилидан ҳар бир туман (шаҳар)да 1 тадан умумий ўрта таълим муассасаларида спорт курашларига ихтисослаштирилган спорт клублари ташкил этилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 142. 31 016 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юқдаги оқибатда QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; қўлибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.



Таҳриратга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тақриз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.

Газета таҳриратининг марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066,

Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.

Мусахҳиҳ — Ш. Машраббев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5 6